

---

"Кексалар ҳафталиги" доирасида "Давлатботир" маҳалласида  
"Касбим-фахрим" номли учрашуви бўлиб ўтди

"Кексалар ҳафталиги" доирасида Ўзбекистон туманининг барча ҳудудларида, қишлоқ ва маҳаллаларда нуронийларни эъзозлаш, уларга иззат-икром кўрсатиб, қимматли панд-насиҳатларини олишга қаратилган тадбирлар қизғин давом этмоқда.





"Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат эҳтиром кўрсатиш - халқимизга хос эзгу фазилят" шиори остида "Давлатботир" маҳалла фуқаролар йиғинида "Касбим-фахрим" учрашуви бўлиб ўтди.



Унда шу ҳудуд ёшлари турли касбларда фаолият кўрсатиб hozирда умргузаронлик қилаётган пиру-падавлатлар билан учрашдилар. Нуронийлар ўз тажрибалари, ҳаёт кечинмалари ва касбларидан топган эъозлари ҳақида ёшларга сўзлаб бердилар. Эртанги куннинг эгаларини қизиқтирган саволларига жавоблар берилиб, бугун юртимизда яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиш ҳақида гапирдилар.

"Кексалар ҳафталиги" доирасидаги тадбирлар туманда давом этмоқда.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-10-05 17:56:11